

Дабдабанинг дами чиқмаслиги учун

ПАНДЕМИЯ КЕРАКМИДИ?



ЯҚИНДА ижтимоий тармоқларда пойтахтимиз туманларининг бирида 30 кишилик жуда чиройли, ихчам, камхарж ва албатта, исрофгарчиликларсиз никоҳ тўйи ўтказилганини, тўйдан тежалган маблагга эса ана шу ёш, янги оилага кредит асосида уй олиб берилгани ҳақидаги хабарни ўқиб, рости жуда хурсанд бўлдим. Наҳотки... Ихчамлаштирса бўлар экан-ку. Шунча қарор, шунча бонг уришлар билан тартибга солинмаган тўй-маросимларни кўзга кўринмайдиган бир коронавирус тартибга солиб қўйса...



Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом

“Никоҳ тўйида бир кун таом бериш суннат, икки кун таом бериш исрофгарчилик, уч кун таом бериш риёкорликдир”, деган эдилар.



Аслида ҳамма гап ўзимизда. Ота-онада, ўғил-қизда. Беихтиёр, хаёлан шундай дейсан: ихчамгина тўй билан ёшларнинг бошини қовуштирган келин-куёвнинг ота-онасига минг раҳмат, фарзандларининг роҳатини кўрсин. Ўша тўйни ихчамлаштирган ҳолда ўтказишга рози бўлган келин-куёв ҳам умридан баракка топсин, кўша қариб бахтли ҳаёт кечирсин!

2020 йилнинг биринчи июнидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси қарори билан юртимизнинг коронавирус пандемиясидан холи бўлган, яъни, “яшил” ҳудудларида аҳолининг тўй маросимларини ўтказишга рухсат берилганидан бугун кўпчилик хабардор, албатта. Қарорда тўй маросимига келувчилар сони 30 кишидан ошмаслиги ҳам белгиланган. Бундан хабар топганлар аллақачон тўй ҳаракатларини бошлаб ҳам юборди.

Тан оламиз, халқимиз хою ҳавасли. Тўй-тантаналарни яхши кўради. Афсуски, шу хою ҳаваслар аксарият ҳолатларда хўжақўрсинга, ким ўзарга айланиб, қатта исрофгарчиликларга, таъбир жоиз бўлса, оилаларнинг пароканда бўлишига сабаб бўлмоқда. Неча йилдирки, тўй-маросимларини ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш ҳақида бонг урилмасин, кўпчилик бунинг аксини қилиб келди. Охири шунгача етиб келдикки, ўтган йилнинг 14 сентябрида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашлари тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилди. Унга кўра, тўй маросимларига келувчилар сони 200 кишидан ошмаслиги белгиланди. Шу билан бари тартибга тушдими? Афсуски, бундай дейшимиз кийин. Қарор қабул қилинганидан кейин ҳам анча-мунча тўйларни худди аввалгидек, ортиқча дабдаба, ортиқча сарф-харажат билан ўтказишга улгурдик. Бу айрим юртдошларимизнинг янги тартибга ҳам кўниқолмаганлигидан далолат эди.

Мана, ортиқча дабдабасиз, исрофгарчиликларсиз, юзлаб, минглаб одам чақирмай ҳам тўй ўтказиш, икки ёшнинг бошини қовуштириш мумкин экан-ку! Менимча, пандемия барҳам топиши билан яна аввалги ҳаёт тарзимизга қайтамыз. Бу кунлар яқин, иншаоллоҳ. Бироқ ҳамма гап ўтган кунларимиздан қандай сабоқ чиқаришимизда.

Демокчиманки, ҳар нарсада бир ҳикмат бор. Бугунги синови кунларимиз бизни ҳеч кўниқолмаётганимиз — ихчамлаштирилган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тўй маросимларига ўргатса, не ажаб.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Ҳуқуқий билим билан ДУНЁНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

ҲОЗИРГИ кунда давлатимизда олиб борилаётган ислохотлардан бири бу аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини тушунадиган ва мукамал биладиган жамият яратишдан иборатдир. Сўнгги йилларда юртимизда ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасидаги бир қанча ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Ана шундай ислохотларнинг янада мустаҳкамланиши муносабати билан жорий йилнинг апрель ойида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича муҳим бўлган ҳужжат имзоланди. Яъни, Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармоннинг мазмуни айнан юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш, юридик соҳа тизимини босқичма-босқич истиқболли режалар билан амалга ошириш, юридик фан ва юридик таълим сифатини янада ривожлантиришдан иборатдир. Ҳужжатда Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ташкил этилиши белгиланди.

Бу Фармон айнан бугунги ҳаётнинг талаби эди. Чунки охириги 10 йилликда юридик кадрлар рақобатининг мавжуд эмаслиги, миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатаётганиди. Аҳамиятлиси шундаки, эндиликда қабул қилинган Фармон асосида юридик таълим соҳасига қизиққан ва имконияти бўлмаган ёшлар учун юридик таълим олиш имкониятлари яратилмоқда. Президентимиз Фармони билан базавий олий юридик маълумотга эга бўлган фуқаролар учун асосий ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртки, кечки ва масофавий таълим дастурлари жорий этилиши белгиланди. Бу эса юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрларни тайёрлаш билан бирга, ёшларнинг ҳуқуқий билиминини ҳам мустаҳкамлаши аниқ.

Юридик таълим соҳасининг ўзгартирилиши, ҳозирги ёшларни кўп китоб ўқишга, изланишга, аввало, ўзига ва ўз кучига ишонишга ундайди. Демак, биз белгиланган йўлдан манзилга етиб боришимиз учун биринчи навбатда ҳуқуқий онгимиз етук бўлиши керак, қолаверса, ҳуқуқий маданиятимизни шакллантириб, ҳуқуқий билимимиз ва ҳуқуқий тафаккуримиз билан замонавий дунёни эгаллашимиз мумкин.

Фармоннинг яна бир очиклик томони шундаки, унда таълим ва фанни ривожлантиришда халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 2005 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Япон ҳуқуқи маркази ва унинг мантқиқий давоми сифатида Тошкент давлат юридик университетида халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети ташкил этилиши белгиланиб, уларнинг асосий ҳамкорлари этиб Япониянинг Нагоя университети ва Германиянинг Регенсбург университетлари белгиланди.

Бугунги кундаги қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар, чиқарилган фармонлар ва сифатли адабиётлар биз ёшларга, янги Ўзбекистонни барпо этиш учун, ўз кучимизни ва садоқатимизни кўрсатиш имконини берди. Шундай экан, мазкур Фармон юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш билан бирга тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи учун ғоятда муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Жаҳонгир ХОЛБАЕВ,
Сирдарё вилоят юридик коллежи директори
биринчи ўринбосари